

ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА БАЎЗИ ФИКР МУЛОҲАЗАЛАР

Турсунов Нурулло Нарзуллаевич

*Сурхондарё вилояти Термиз иқтисодиёт ва сервис университети
“Ижтимоий гуманитар фанлар” кафедраси доценти, тарих фанлари доктори*

Абдунабиева Нозима Ғулумжон

хорижий таълим йўналиши I-курс талабаси

Этномаданият тушунчаси, бу муайян халқнинг ҳаётида ҳар доим ниҳоятда муҳим мавзу бўлиб келган ва бундан кейин ҳам унинг долзарблиги ошиб бораверади. Негаки, у миллат мавжудлигининг асоси, унинг бугунги куни ва истиқболлини таъминлайдиган маънавий бойлик ҳисобланади. Айниқса, мустамлака ва қарамлик азобларини ўз бошидан кечирган, этномаданияти топдалган халқимиз учун уни ўрганиш ҳали юзага чиқмаган имкониятларни очиш оммавийлик даражасига кўтарилмаган жиҳатларни халқимизга айниқса, ёшларимиз онги ва қалбига сингдириш миллий тикланишимиз жараёни кетаётган бугунги кунда унинг долзарблигини яна ҳам ошириб бориш ниҳоятда муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбек халқи узоқ ўтмишдан бошлаб маънавий маданиятни юксалтиришда етарлича фаолият кўрсатиб келган. Кишилиқ тарихида яратилган ва маълум тараққиёт босқичларини ўз бошидан кечирган буюк сиймолар ҳамда ота-боболаримиз маънавий маданият ютуқларини олтин мерос сифатида келажак авлодга қолдириб келишган. Албатта, бундай ворисийлик ўз навбатида, ёш авлоднинг ижтимоий онгида ҳурмат ва эҳтиром шуқуҳини ташкил этса, мазкур миллий қадриятни ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган барча ўзгаришларга қарамай, бу маънавий меросдан фойдаланиш, уни янада тараққий этиши учун барча имкониятларимизни амалда қўллашимизни тақозо этади.

Этномаданият халқнинг миллатнинг узоқ – ижтимоий тарихий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маъданий бойликлари, турмуш тарзи, тили, урф-одатлари, ташқи дунёни ўзлаштириши, ўзини, ўзлигини идрок этиш, воқеликни англаш усуллари, хуллас, этноснинг миллатнинг мавжудлигини ифода этувчи ижтимоий воқелиқдир. Ўз ўрнида этномаданият ўзбек халқининг хусусиятларини ифода этадиган воқелиқдир. Шу ўринда миллийлик нима? деган савол туғилади. Миллийлик деганда, энг аввало, ўз миллатини улуғлаш уни ҳимоя қилиш, миллий ғурур ва нафсоният туйғуси ўзининг тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи ва урф-одатлари, барча маънавий қадриятларини қадрлаш, ўзи туғилиб, вояга етган она диёрини ардоқлаш, унинг табиати, дарёлари, кўллари, мусаффо осмони билан фахрланиш тушунилади. Ўзбек

халқи маънавиятининг этномаданият билан боғлиқ, уйғун жиҳатларини анъанавий ва замонавий қадриятлар орқали кўриш мумкун. Ушбу қадриятларнинг бир-бирига диалектик боғлиқлиги ўзбек халқининг дунёда кечаётган ўзгаришларга, жамиятни модернизациялашга фаол муносабатда бўлаётганини, уларнинг ижтимоий тараққиётини динамик воқелик тарзида қараб, ушбу тараққиёт инсон онги, ижодий фаолияти, маданиятига боғлиқлигини тўғри англаётганини ифода этади.

Ўзбек халқи этномаданиятининг ўзига хос кўринишларини қуйидаги ижтимоий - маданий фаолиятлари орқали аниқлаш, очиб бериш мумкин:

Марказий Осиё жуғрофий муҳитига мос хўжалик – маданий типлари;

Оилавий ва маиший ҳаёт тарбия усуллари;

Ахлоқий-маънавий тарбия усуллари ;

Оғзаки ижоди;

Оммавий байрамлар ва томошалардаги иштироки;

Амалий санъат;

Пазандачилик санъати;

Дам олиш ва ҳордиқ чиқариш усуллари;

Ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятлар;

Тарихий- маданий тажрибаларни асраши;

Илм –фанга диндаги гуманистик ғояларга эътиқод;

Замонавий ижод турларида иштироки кабилар.

Хўжалик-маданий типлари билан оилавий ва маиший ҳаёт тарзи бир-бирига боғлиқдир. Хўжалик-маданий типлари ўтроқ ёки кўчманчи ҳаёт, деҳқончилик, чорвачилик ёки косиблик, хунармандчилик кабилар билан белгиланса, оилавий ва маиший ҳаёт тарзи яратилган моддий ҳамда маънавий бойликлардан фойдаланиш хусусиятлари амал қиладиган оилавий анъаналарда намоён бўлади. Оғзаки ижод турларида ҳар бир халқнинг, ижтимоий гуруҳнинг дунёга, тузумга, ўзгаришларга ўзига хос муносабатлари акс этади; Аллалар, мақоллар, қўшиқлар, эртақлар ва афсоналар ўзлари қаҳрамон бўлган дostonларда халқимиз этномаданиятининг муҳим жиҳатларини бадиий-фалсафий тасвирларда ўз аксини топган.

Ўзбек халқи этномаданиятида амалий санъат алоҳида ўрин эгаллайди. Санъат, айниқса, амалий санъат халқнинг олами идрок этиши ва ўзгартиришга бўлган интилишлари ёрқин акс эттирувчи ижодий-маъданий фаолият тури ҳисобланади. Ўзбек халқи этномаданиятида замонавий санъат турлари- Эстрада мусиқаси, тасвирий санъат, хор санъати, техника ижодиёти, туризм, жисмоний маданият, аскиябозлик, цирк санъати кабилар билан шуғулланишда ўз аксини топади. Ушбу инновациялар ўзбек этномаданиятини дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, ижодий- маданий қобилиятларини ўстиришга қаратилган янги, ноанъанавий ижод турлари

билан бойитмоқда. Халқнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган материал ва маълумотлар этнографик манба ҳисобланади. Халқ, қабила ва уруғ номлари, инсон қўли ва ақл – заковати билан яратилган қурол ва буюмларнинг нақш ва безаклари, кишилар онгида, шунингдек, оғзаки ва ёзма адабиётда сақланиб қолинган, ўтмиш урф-одат ва анъаналари, кишиларнинг турмуш тарзи этнографик манба ҳисобланади. Ҳозирги кунда турли ўзбек уруғларига мансуб бўлган аҳоли гуруҳларининг жамлаган. Унинг этник хусусиятларини ўрганиш, тарихимизнинг этник саҳифаларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Лингвистик манба. Ўзбек тили ва бошқа тилларнинг лексик таркибида мавжуд бўлган ва ҳозирда ҳам мавжуд атамалар ва топонимлар (жой номлари) ни тадқиқ этиш жараёнида қимматли тарихий материаллар қўлга киритилиши мумкин. Атамалар ва топилмаларнинг келиб чиқиши ва мазмунини аниқлаш билан лингвистика (тилшунослик) фани шуғулланади. Бундай маълумотлар, лингвистик манба деб аталади. Масалан, “Бухоро” топоними санскрит тилидаги “вихара” сўзининг ўзгарган варианты бўлиб, “ибодатгоҳ” деган маъносини билдириши аниқланган. Қадимда Бухоро шаҳрида буддавийларнинг ибодотхонаси мавжуд бўлганлиги сабабли, кейинчалик бу сўз мазкур шаҳарга нисбатан ишлатила бошланган. Шунга ўхшаб “вағнзе”, “дахъю”, “суюрғол”, “танҳо” сингари юзлаб атамаларнинг келиб чиқишини, ўрганиш қизиқарли тарихий маълумотлар беради.

Фольклор манбалар. Халқ узоқ асрлар давомида ўзи орттирган тарихий билимларини оғзаки ижод орқали авлоддан-авлодга етказиб келди. Турли хил ривоятлар, асотирлар, халқ достонлари ва мақолларида тарихнинг у ёки бу томонлари ўз аксини топди. Таниқли рус тарихчиси Б.О. Греков ёзганидек, “ривоят ва асотирлар, бу халқнинг ўзи сўзлаб берган тарихдир”. Марказий Осиё халқларининг оғзаки ижодиёти намуналари бизгача “Авесто” китоби орқали, шунингдек, антик тарихчилар ҳамда Табарий, Наршахий, Беруний ва бошқаларнинг асарлари орқали етиб келган. Қадимги аждодларимизнинг ажнабий босқинчиларга қарши олиб борган курашлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бу ривоят ва эртакларда малика Тўмарис, чўпон Широқ, баҳодир Рустам ва Сиёвушлар образини яратади. Уларнинг Ватан озодлиги йўлидаги фидокорона курашларини тараннум этади. Халқ афсоналари Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асарининг сюжетини ташкил этди. Ўрта асрларда ўзбек халқи ижод қилган эпик достонлар, эртаклар ва қўшиқлар, мақоллар ва топишмоқлар халқ тарихини, унинг руҳияти ва маънавиятини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, фольклор манбалар аниқ тарихий манба сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Бунинг асосий сабаби шуки, ривоятларда кўп хронологик чалкашликлар мавжуд ҳамда тарихий шахсларнинг фаолият кўрсатган даври ўзгариб турган. Ўзбек халқи турмуш

тарзи ва маънавиятининг таркибий қисми, унинг азалий удумлари, урф – одатлари, маросим-анъаналар ташкил қилади. Бу эса шу халқнинг маънавиятини нечоғлик шаклланганлигини, узоқ ўтмишга эга эканлигини билдиради. Ўзбек халқи ана шундай бой маънавиятли халқлардан ҳисобланади.

Миллий урф-одатлар ва анъаналарда бутун бир халқнинг ижтимоий эҳтиёжлари, ахлоқ нормалари, манфаатллари, амалий тажрибалари ва тарихий яшаш шароитлари ўзига хос равишда мужассамланган бўлади. Улар халқнинг фаолияти жараёнида туғилади, ҳар бир халқ бутун тарихи давомида яшаш шароитининг характери ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кишилар ўртасидаги муносабатларнинг маълум нормада йўл – йўриқларини яратади. Бу норма ва йўл – йўриқлар авлоддан-авлодга ўтиш билан такрорланиб, урф – одатлари ва анъаналарга айланиб қолади.

Халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда, ижтимоий- гуманитар фанларда “этник бирлик “ ва “этнос” атамалари ишлатилади. “Этник бирлик” маълум бир ижтимоий тузумда, табиий – тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган, ижтимоий ва этник уюшмадир. Унинг синоними “этнос “ бўлиб, у юнонча “халқ” демакдир. Аммо, “этник бирлик”, “халқ” атамасига нисбатан маъно жиҳатидан аниқ тушунчадир. 1. Этнос атамаси , яни халқ жуда кенг ва тор маънода ишлатилади . Масалан, кенг маънода Россия халқи, Ўзбекистон халқи, дунё халқи; тор маънода: ўзбек халқи, қирғиз халқи, тожик халқи. Кичик бир гуруҳ кишиларига нисбатан ҳам “халқ” ибораси қўлланилади. Фанда этник бирликнинг уч босқичи, яъни уч тури мавжуд : қабила, элат (халқ) ва миллат. Кетма-кет бу атамалар турли даврларда вужудга келган, улар ўз даврига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қилади. “Элат “ атамаси туркий ва форсий тили аҳоли ўртасида қабила, иттифоқ, давлат ёки маълум худуд фуқороларига нисбатан “халқ” атамаси орқали ишлатилиб келинган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Собирова М., ҲолиқоваЭ. Этномаданият. -Тошкент: “Инновацион-зиё”, 2021. -Б.286.
2. Йўлдошева С. “Халқ-урф одатлари ва анъаналари” Т., “Ижод дунёси” 2003.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.- Тошкент: “Университет”, 2007.
4. WWW.3иё уз.сом.